

**РЕСПУБЛИКА ИММУНОЛОГИЯ ИЛМИЙ МАРКАЗИ ВА
ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.50.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ШАМСУТДИНОВА МАКСУДА ИЛЯСОВНА

**СУРУНҚАЛИ ПАНКРЕАТИТЛАР КЛИНИК КЕЧИШИ
ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ ЦИТОКИН ПРОФИЛИГА БОҒЛИҚЛИГИ
ВА ИММУНОКОРРЕКЦИЯ ЙЎЛЛАРИ**

14.00.36 - Аллергология ва иммунология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2017

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации
Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Шамсутдинова Максуда Илясовна

Сурункали панкреатитлар клиник кечиши хусусиятларининг цитокин профилига боғлиқлиги ва иммунокоррекция йўллари 5

Шамсутдинова Максуда Илясовна

Особенности клинического течения хронических панкреатитов в зависимости от цитокинового профиля и пути их иммунокоррекции.... 31

Shamsutdinova Maksuda Ilyasovna

Clinical features of chronic pancreatitis depending on cytokine profile and their immunocorrection 57

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 61

**РЕСПУБЛИКА ИММУНОЛОГИЯ ИЛМИЙ МАРКАЗИ ВА
ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.50.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ШАМСУТДИНОВА МАКСУДА ИЛЯСОВНА

**СУРУНҚАЛИ ПАНКРЕАТИТЛАР КЛИНИК КЕЧИШИ
ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ ЦИТОКИН ПРОФИЛИГА БОҒЛИҚЛИГИ
ВА ИММУНОКОРРЕКЦИЯ ЙЎЛЛАРИ**

14.00.36 - Аллергология ва иммунология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ– 2017

Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2017.1.DSc/Tib132 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.immunology.uz) ва «ZiyoNet» Ахбороттаълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

**Илмий
маслаҳатчи:**

Зокирходжаев Шерзод Яхяевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий
оппонентлар:**

Исмаилова Адолат Абдурахмановна
тиббиёт фанлари доктори

Аралов Нематилла Равшанович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Абдуллаев Равшанбек Бабажонович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи
ташқилот:**

Академик И. П. Павлов номли Биринчи Санкт-Петербург давлат медицина университети

Диссертация ҳимояси Республика иммунология илмий маркази ва Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.50.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Я.Ғуломов кўчаси, 74. Тел./факс (99871) 233-08-55, e-mail: immunologiya@qip.ru).

Диссертация билан Республика иммунология илмий марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Я.Ғуломов кўчаси, 74. Тел./факс (99871) 233-08-55).

Диссертация автореферати 2017 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2017 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

Т. У. Арипова

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

З. С. Камалов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

А. А. Исмаилова

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д.

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бутун дунёда меъда-ичак тизими касалликлари сонининг ўсиб бориш тенденцияси ва улар сонининг ҳар ўн йилда икки баробар ортиши кузатилмоқда. БЖССТнинг маълумотларига кўра, сурункали панкреатит (СП) меъда-ичак тизими касалликлари орасида энг кўп учрайдиган ва оғир кечимли патологиядир. СП билан оғриган беморларнинг ўртача ёши 50 дан 38 ёшгача пасайган. Панкреатитнинг сурункали шакли билан ногирон бўлиб қолган кишилар 11%ни ташкил қилади. Бутун дунёда меъда ости беши касалликлари сонининг оғишмай ўсиши кузатилмоқда.

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ мамлакатимизда аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизмат тизими тубдан ўзгартирилди, шу ўринда аҳоли орасида касалликларни камайтириш, касалликларни ташхислаш, даволашнинг замонавий тиббий воситалари ва самарали усуллари тиббиётга тадбиқ этиш чора тадбирлари амалга оширилмоқда. Бу борада қабул қилинган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари Стратегияси аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштиришни таъминлашга қаратилган пойдевор хисобланади. Бугунги кунда аҳоли саломатлигини сақлаш, меъда-ичак тизими патологияси, хусусан ўткир ва сурункали панкреатитларнинг тобора ўсиб боришини олдини олиш масаласида маълум бир натижаларга эришилди. Амалга оширилган тадбирлар натижасида ошқозон ости беши касалликлари 5%гача, ўлим ҳолати эса 1,3 мартага камайтирилди.

Меъда ости беши касалликларини ташхислаш, асоратлар олдини олиш аҳоли саломатлигини сақлаш учун муҳим аҳамиятга эга. Меъда ости беши билан анатомик ва физиологик боғлиқ аъзоларнинг (билиар ва меъда-ичак тракти) турли жароҳатлари, овқатланишни бузилиши ва алкоголизм, тизимли ва аутоиммун касалликлар, вирусли ва бактериал инфекциялар, метаболизмнинг бузилиши, меъда ости беши жароҳатларига олиб келувчи турли дори воситалари ва экологик омиллар таъсирини сурункали панкреатитнинг этиологик омилларидир. Шунингдек, мазкур патологияда иммун тизими ҳолатини ўрганиш илмий тадқиқотларнинг энг долзарб йўналишларидир. Атроф-муҳитнинг экологик салбий омиллари таъсирида меъда ости беши касалликлари, жумладан, етарли даражада ўрганлмаган, сурункали панкреатитнинг ривожланиш хавфини бир неча бор ортиши мумкин. Бугунги кунда мазкур омилларнинг таъсир даражаси ва уларнинг панкреатитларни ривожланишидаги ролини ортиши муаммонинг долзарблигини кўрсатади. Панкреатитларни ўз вақтида ташхислаш, эрта ташхислашнинг замонавий усуллари кўллаш, реабилитация, профилактика жараёнларини такомиллаштириш ва ногиронликни эрта олдини олиш илмий тадқиқотларнинг етакчи йўналиши бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 ноябрдаги 1652-сон Қарори билан тасдиқланган «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чоралари ҳақида»ги, Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 мартдаги 91-сон қарори «Тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил қилишни такомиллаштириш ва моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш чоралари ҳақида»ги ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПҚ-4947-сон Қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари Стратегияси» ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи. Меъда ости бези касалликларини эрта ташҳислаш, иммуно-коррекциялаш ва уларни олдини олишга қаратилган илмий-тадқиқот ишлари дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари жумладан: International Association of Pancreatology (АҚШ), European Pancreatology Clubs (Франция), International Association Surgery and Gastroenterology (Швеция), University Hospital of Hepatopancreatobiliary of Surgery (Франция), Center of Hepatopancreatobiliary (Швейцария), Korean Pancreatobiliary Association (Жанубий Корея), University of Alabama-Birmingham (АҚШ), Донецк Миллий тиббиёт университети (Украина), Соғлиқни сақлаш Департаменти гастроэнтерология МИТИ (Россия Федерацияси) ва Тошкент тиббиёт академиясида (Ўзбекистон Республикаси) олиб борилмоқда.

Меъда ости бези касалликларини даволаш ва уларнинг ривожланишини олдини олишга оид олиб борилган илмий-тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: иммунопатология муаммоси очиб берилган, шунингдек патологик жараённинг патогенетик бўғинларини иммункоррекциялаш учун назарий асослари аниқланган (University of Baltimore Jon Hopkins of Medicine, АҚШ; Department of Gastroenterology of University Hospital of Freiburg, Германия); панкреатитларда цитокин генлари полиморфизми асосида касалликни клиник кечишини башоратлашнинг янги маркерлари ишлаб чиқилган (University Hospital of Leipzig, Германия; Korean Pancreatobiliary Association, Жанубий Корея); сурункали панкреатитнинг панкреокарциномага ўтишининг айрим механизмлари очиб берилган (Ochsner Clinic Foundation and Tulane University Health Sciences Center, University Hospital of Berlin, Германия; International Association of Pancreatology, АҚШ; European Pancreatology Clubs, Франция; Панкреатологлар клуби, Украина).

Дунёда меъда ости бези касалликлари иммуно-патологияси жихатлари, касалликни олдини олиш ва эрта ташҳислашни такомиллаштириш муаммоларини ечиш бўйича қатор, қуйидаги устувор йўналишларда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Йирик европалик тадқиқот гуруҳлари (University Hospital of Berlin, International Association of Pancreatology, European Pancreatology Clubs, Baltimore Jon Hopkins of Medicine, Department of Gastroenterology of University Hospital of Freiburg) томонидан ўтказиладиган

тадқиқотлар сурункали панкреатитнинг ривожланишида турли эоомилларнинг этиопатогенетик ролини аниқлаш, иммунцитокин ҳолатини, меъда ости бези касалликларининг янги ирсий маркерларини, иммункоррекциянинг янги патогенетик асосланган усулларини ишлаб чиқишга қаратилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. СПни эрта ташхислаш, ўз вақтида амалга ошириладиган тадбирлар ёрдамида унинг ривожланиш суратларини пасайтириш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшиланишини таъминловчи панкреатологиянинг шиддат билан ривожланиши СПнинг этиологияси, патогенези механизмлари, янги ташхислаш ва даволаш усулларини ўрганишга бағишланган кўпдан-кўп илмий нашрларнинг пайдо бўлиши билан бирга кечмоқда. Ҳозирги вақтда СП фармакотерапиясида эришилган сезиларли ютуқлар, даволашнинг янги схемаларини татбиқ қилиниши ва мавжуд дори воситаларига кўрсатмаларнинг кенгайишига қарамай, меъда ости бези касалликларини даволаш муаммолари панкреатологиянинг энг мураккаб бўлими бўлиб қолмоқда (Маев И. В., 2008).

СП бирламчи ташхислангандан сўнг ўлим даражаси биринчи 10 йил давомида 20% гача ва 20 йилдан сўнг 50% дан ортиб, ўртача 11,9%ни ташкил қилади. СП билан оғриган 15-20% беморлар панкреатитнинг ўткирлашуви билан боғлиқ асоратлар, қолганлари ҳазмланиш жараёнининг иккиламчи бузилиши ва инфекция асоратлар туфайли ҳаётдан кўз юмадилар. Аутопсия маълумотлари бўйича СПнинг учраши тез-тезлиги 0,01 дан 5,4% гача бўлиб, ўртача 0,3-0,4% ни ташкил қилади (Губергриц Н. Б., 2014).

Ҳозирги вақтда СПни ташхислаш учун турли тадқиқот усулларида фойдаланилади, бироқ уларнинг аксарияти касалликнинг эрта босқичида СП ташхисини қўйиш имконини бермайди. СПнинг ўткирлашувини ташхислашдаги хатоликлар шифохонага ётқизишгача бўлган босқичда - 90% гача ва стационарда - 17%гача учраши мумкин. Кўпинча МОБ жароҳати билан боғлиқ бўлмаган овқат ҳазм қилиш жараёнидаги хилма-хил бузилишлар, «эхоген бир хил бўлмаган» меъда ости безига одатда СПни ташхислаш учун етарли даражадаги асос сифатида қаралади. Ташхисотдаги хатоликларнинг кўплиги СПнинг кўп симптомлилиги ва унинг клиник кўринишларини даврийлиги, МОБнинг физикал текширув учун ноқулай жойлашганлиги, аксарият даволаш-профилактика муассасаларининг етарли даражада лаборатория жиҳозлари ва техник анжомлар билан жиҳозланмаганлиги ва ўтказиладиган текширувларнинг кам ахборийлиги, аниқ ташхисий алгоритмларнинг мавжуд эмаслиги билан тушунтирлади (Калинин А. В., Хазанов А. И., 2007).

Охирги ўн йиллик овқат ҳазм қилиш аъзолари, хусусан меъда ости бези касалликларида иммун ва цитокин ҳолатнинг бузилишларини ўрганишга бағишланган тадқиқотларнинг ўсиши билан характерланади. Бироқ, бугунги кунда ялғизланиш билан боғлиқ ўзгаришларни ривожланишида цитокинлар ўзаро таъсирининг иммуногенетик механизмлари, беморларнинг клиник, цитокин ва иммуногенетик ҳолатини баҳолашда турли интерлейкинлар гуруҳлари даражалари орасидаги ўзаро алоқаларни батафсил таҳлил қилишга бағишланган илмий-тадқиқот ишлари етарли даражада эмас (Белоцкий С. М.,

Авталион Р. Р., 2008; Rudiger L., Wolfgang E. D., Torsten K., 2010). Панкреатит патогенезини замонавий тушунишда бевосита касалликни ривожланишига олиб келувчи ёки унинг ривожланиш хавфини туғдирувчи генларни кашф этилиши муҳим аҳамият касб этади. Панкреатитлар патогенезида яллиғланишнинг турли муҳим медиаторлари экспрессияси ва меъда ости безининг деструктив-яллиғли ўзгаришларини таъминловчи цитокин каскади генларининг дисфункцияси муҳим роль ўйнайди (Sun H. C., Qiu Z. J. et al., 2007; Alvarez C., Buss B. I., 2010; Fogar P. et al., 2009; Kazbay K., Tarnasky P. P., Hawes R. H. et al., 2011). СПни даволашда қўлланиладиган дори воситаларининг кўплиги амалиёт врачлари олдида ҳар бир аниқ бемор учун уларнинг энг самарали комбинациясини танлашдек мураккаб вазифани қўяди. Шунинг учун ҳам ҳар бир индивидуал хусусиятни ҳисобга олган ҳолда СПни даволаш тактикасини танлашнинг аниқ мезонларини ишлаб чиқиш муаммоси очиқлигича қолмоқда (Губергриц Н. Б., Казюлин А. Н., 2011). Мазкур муаммо доирасида СПни даволаш самарадорлигини кўтариш мақсадида амалга ошириладиган комплекс иммунокоррекция асосланган ва ўз вақтидаги тактикадир. Юқорида қайд этилганларни ҳисобга олиб, даволаш ва башоратлаш имкониятларини кенгайтириш билан СПни эрта ташҳислаш усулларини янада чуқурроқ ўрганиш ва такомиллаштириш долзарб ва амалий жиҳатдан муҳим ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 01.1100158 «Ташҳислаш, даволаш ва профилактиканинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади сурункали панкреатитнинг турли клиник шакллари ривожланишида иммуногенетик механизмларни аниқлаш ва касалликни эрта ташҳислаш ҳамда даволашни такомиллаштиришда иммунокоррегирловчи препаратлар ролини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

СПнинг турли шаклларининг клиник кечишида цитокинлар ролини аниқлаш;

яллиғланишга хос, яллиғланишга қарши ва ўсишга оид цитокинларнинг СП клиник шакллари ривожланиши иммунопатогенезидаги аҳамиятини аниқлаш;

СПни башоратлаш ва эрта ташҳислаш мезонлари бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган клиник-иммунологик кўрсаткичларни аниқлаш;

алкоголли ва билиар СПни дифференциал ташҳислашда цитокинлармиқдори ва уларнинг аҳамиятини аниқлаш;

СПда клиник-биокимёвий, иммуногенетик полиморфизм вариантлари орасидаги ўзаро алоқаларни аниқлаш;

иммун ва молекуляр-генетик кўрсаткичлар асосида СП билан оғриган беморларда панкреаканцинома предикторларини аниқлаш;

СПда оптимал иммункоррегирловчи терапияни танлаш ва унинг самарадорлик мезонларини белгилаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида сурункали панкреатит билан оғриган 245 беморлар ва 64 амалий соғлом шахслар олинди.

Тадқиқотнинг предметини сурункали панкреатитнинг турли клиник шаклларида клиник-биокимёвий, иммуноцитокин ва ирсий ҳолатининг асосий кўрсаткичларини миқдорий аниқлаш учун веноз қон ва қон зардоби, меъда ости беши ферментларини ташҳислаш учун – сийдик, нажас ташкил қилди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник, биокимёвий, иммунологик, генетик, инструментал ва статистик текширув усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор СПли беморларда касалликни ривожланиш хавфи шаклланиши ва ривожланишининг иммуногенетик механизмлари аниқланган;

алкоголли ва билиар СПда асосий цитокинларнинг клиник-лаборатор синдромлар ва иммун тизим кўрсаткичлари билан ўзаро боғлиқлиги аниқланган;

СПнинг оғирлик даражаси ва клиник шакллари дивергенциал ташҳислашда цитокинлар миқдорининг ўзгариши асосланган;

яллиғланишнинг асосий медиаторлари экспрессиясини чақирувчи ва меъда ости бешида деструктив-яллиғли ўзгаришларни таъминловчи цитокинлар каскади генининг дисфункцияси аниқланган;

илк бор СПва унинг асоратлари ривожланишида генлар полиморфизмининг клиник-лаборатор кўрсаткичлар билан ўзаро боғлиқлиги патогенетик аҳамиятга эгаллиги аниқланган;

СП оғир кечиши ва унинг асоратларини башоратлаш мезони сифатида цитокинлар ҳолати бирламчи омиллардан эканлиги исботланган;

панкреатитларни даволашнинг янги йўналиши - СПда даволаш тадбирлари комплексига комбинирланган ёндошув ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

беморларни юритиш ва даволаш тактикасига олдиндан тузатишлар киритиш, шунингдек СПнинг оғир кечишини башоратлаш имконини берувчи сийдикда трипсиноген-2 ва нажасда эластаза-1ни аниқлаш каби эрта ташҳисини янги мезонлари ишлаб чиқилган;

СПнинг оғирлик даражаси ва клиник шакллари дивергенциал ташҳислаш, шунингдек сурункали панкреатитни панкреаканциномага ўтишини башоратлаш учун TNF- α , IL-2R, IL-6 - цитокин профили кўрсаткичларининг ўзгариши хусусиятлари аниқланган;

иммункорригирловчи терапия самарадорлиги иммун ҳолати кўрсаткичларининг динамикада ўзгариши билан асослаб берилган;

алкоголли ва билиар сурункали панкреатитли беморларда асосий даволаш комплексига патогенетик асосланган иммунмодуловчи терапияни қўллаш иммун тизим кўрсаткичларни меъерлашувига олиб келган, ташқи қўшимча таъсирни пасайтирган, иммун жавобни кучайтирган, иммунологик толерантликни шакллантирган ва асосий даволаш самарадорлигини оширган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши,

олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлари билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация ишининг илмий аҳамияти СП клиник кечиши хусусиятларининг цитокин профилига боғлиқлиги ваиммунокоррекциясининг замонавий жиҳатлари ҳақидаги назарий маълумотларни кенгайтирган. Илк бор алкоғолли ва билиар СПнинг оғирлик даражаси ва клиник шакллари дифференциал ташҳислашда цитокинлар ўрни асосланган ҳамда иммун ўзгаришлар шаклланиши ва ривожланишининг иммунопатогенетик механизмлари очиб берилган. Меъда ости беzi деструктив-яллиғланиш жараёнини юзага келтирувчи турли медиаторлар экспрессиясини таъминловчи цитокинлар каскади гени дисфункциясининг патогенетик роли аниқланган. Сурункали панкреатитнинг панкреакарциномага ўзгаришини башоратлашда цитокинлар ҳолатива ген полиморфизми патогенетик асосланган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти СПда иммункоррегирлашни оптималлаштиришнинг замонавий жиҳатларини аниқлаш натижасидасурункали панкреатитни эрта ташҳислаш ва башоратлашнинг клиник-иммунологик мезонлари ишлаб чиқилган. Ушбу мезонлар СПли беморларни олиб бориш ва даволаш тактикасига олдиндан тузатиш киритишга имконини яратади. СПнинг оғирлик даражаси ва клиник шакллари дифференциал ташҳислашда цитокинлар профили кўрсаткичларидан фойдаланиш асосланган. Даволаш комплексига иммунмокоррегирловчи терапияни киритиш даволаш самарадорлигини оширишга, иммунологик толерантликни тиклашга, касаллик оқибатларини олдини олишга ва беморлар ҳаёт сифатини яхшилашга имкон яратади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сурункали панкреатитлар клиник кечиши хусусиятларининг цитокин профилига боғлиқлиги ваиммунокоррекция йўллари бўйича олинган натижалар асосида:

СПлар клиник кечиши хусусиятларининг цитокин профилига боғлиқлиги бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган «Сурункали панкреатитларни эрта ташҳислаш ва уларни коррегирлаш усуллари» мавзусидаги услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2011 йил 29 июлдаги 8ш/256 маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма СПни эрта ташҳислаш ва башоратлаш, клиник кечишини аниқлаш, клиник-иммунологик кўрсаткичларнинг аҳамияти аниқлашнинг услубий асосини такомиллаштиришга хизмат қилади;

СПни эрта ташҳислашнинг замонавий жиҳатлари, даволаш комплексига иммунмодулирловчи терапияни киритиш чора-тадбирлари бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш тизимига, жумладан “Қибрай тиббиёт бирлашма”си ҳамда Тошкент “ООО Uzkabel shifohonasi” амалий фаолиятига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 24 июндаги 8Н-

д/48 маълумотномаси). Ишлаб чиқилган даво-ташҳисот тадбирлари сурункали панкреатитни даволаш натижаларини яхшилаш, беморларнинг стационарда бўлиш вақтини 3 кунга қисқартириш, ремиссия даврини 3,6 марта узайтириш имконини беради. Татбиқ этилган натижалар иммунмодулирловчи терапия усули анъанавий усулга нисбатан даволаш самарадорлигини оширишга, беморнинг ҳаёт сифатини яхшилашга, бир йилда сурункали панкреатит билан оғриган барча беморлар сонига нисбатан давлат бюджет маблағларини 2,7 млрд. сўмни тежаш орқали дори воситаларига эҳтиёжни камайтиришга имкон яратади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 3 та халқаро ва 15 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 36 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар 13 мақола, жумладан 9 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 186 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Меъда ости беzi касалликлари иммунопатологияси бўйича замонавий тушунчалар**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи баён этилган бўлиб, СП муаммосининг тиббий-ижтимоий аҳамияти акс эттирилган, СП ва уни эрта ташҳисотини такомиллаштириш учун асосий эътиборга молик йўналишлар таҳлил қилинган, шунингдек СПда меъда ости безининг ҳолати, уни даволашда тизимли иммунотерапиянинг роли ҳақидаги адабиётлар таҳлили тақдим этилган, СПнинг эпидемиологик, клиник белгилари ва Ўзбекистон аҳолиси ўртасида СПни клиник кечишини ўзига хос хусусиятлари келтирилган.

Диссертациянинг «**Сурункали панкреатитли беморлар тавсифи ва тадқиқотда қўлланилган усуллар**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объектининг тавсифи, қўйилган вазифаларнинг ҳал этилишини таъминловчи усуллар ва методологик ёндошувлар тақдим этилган. Тадқиқот 2011-2016 йилларда ўтказилган. Клиник материални тўплаш Тошкент тиббиёт

академияси базасида (2011-2013 й.), Германиянинг Фрайбург шаҳри университети клиникасининг гастроэнтерология бўлимида ва шу университетга қарашли Панкреакарцинома маркази базасида (2014 - 2016 йй.), ҳамда Қибрай тиббиёт бирлашмаси ҳамда Тошкент “ООО UzKabelshifohonasi” базасида (2015 - 2016 йй.) амалга оширилган.

Тадқиқот объекти - 245 та СП билан оғриган бемор маълумотлари бўлди, шу жумладан, 125 таси Ўзбекистонда, 120 бемор (105 - СП, 15 - панкреакарцинома билан) ДААД немис фонди грантини олиниши муносабати билан Германиянинг Фрайбург шаҳридаги тиббиёт университети клиникасида динамик кузатувда бўлган.

Клиник текширув усуллари анамнез, умумклиник, эрта ташҳислашнинг ноинвазив тестларини қўллаш билан биокимёвий - сийдикда трипсिनоген-2 (Actim Pancreatitis, «Medix Biochemica» Финляндия) ва нажасда эластаза-1 (BIOSERV Diagnostics BS-86-01 Elastase ELISA)ни аниқлашга асосланган.

Иммунологик текширув моноклонал антитаначалардан фойдаланган ҳолда иммунофенотиплаш йўли билан периферик қондаги лимфоцитларнинг мембрана антигенлари (CD3, CD4, CD8, CD16, CD95, CDHLA-DR) ни аниқлашни ўз ичига олди (АО «Сорбент»). А, М, G синфига оид зардоб иммуноглобулинлари одам иммуноглобулинларига қарши моноспецифик зардоблар ёрдамида G. Manchini (1965) бўйича радиал иммунодиффузия усулида амалга оширилди (НИИВС им.И.И. Мечникова). Цитокинлар - IL-1 β , IL-2R, IL-4, IL-6, IL-8, IL-10, TNF- α , TGF- β 1 ва IFN- γ концентрацияси-иммунофермент таҳлили усулида амалга оширилди (Алоҳида Тоза Биопрепаратлар ИТИ «Цитокин» ООО реактивлари), DRG-Diagnostica (Germany). Ирсий полиморфизм таҳлили эндонуклеазаларни локус специфик олигонуклеотид праймерлари ва Tag - полимеразадан фойдаланган ҳолда ДНК синтези полимераза занжир реакцияси усулида бажарилди. Олиго-праймерлар тизими фаолиятини такомиллаштириш Applied Biosystems» (АҚШ) ва «Corbett Research», (Quagen, Германия) фирмаларининг дастур-ланган термоциклерларида ўтказилди. Тажриба йўли билан реакцион буфер таркиби аниқланди ва ПЦР ўтказиш учун шароит яхшиланди. Қолган компо-нентлар, жумладан нуклеин кислоталарни ажратиш учун зарур реагентлар молекуляр биология соҳасида фаолият юритувчи дунёнинг етакчи ишлаб чиқарувчилари (Serva», «Sigma т.д.) ва Россия (ООО Синтол, ООО Интерлабсервис, НПФ “Литех”, ДНК-технология, Сибэнзим ва б.)дан олинди. Амплификация ва рестрикция маҳсулотлари детекцияси кейинчалик бромли эдитий билан бўйаш орқали 2%ли агар гелида электрофорез усулида амалга оширилди.


Тадқиқотлар натижасида олинган маълумотлар статистик ишлов функциялари киритилган «Excel-2007» дастурий пакети ёрдамида Pentium-IV шахсий компютерида статистик ишланди. Таҳлил қилинаётган кўрсаткичлар орасидаги ўзаро алоқаларни аниқлаш учун r корреляция коэффицентини қўллаш ҳамда Стьюдент t ва Пирсон χ^2 мезонлари ёрдамида уларнинг аҳамиятини ўрганиш билан корреляцион таҳлил ўтказилди.

Диссертациянинг «**Сурункали панкреатит кечишининг клиник-биокимёвий хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобда республика бўйича СП

тарқалишини аниқлаш бўйича статистик маълумотлар таҳлили ўтказилган. Беш йиллик динамикада, яъни 2011-2015 йиллар (Ўзбекистон Республикаси ахборот ва статистика маркази маълумотлари бўйича) да аҳоли таркиби (беморларнинг ёши)га мос равишда меъда ости беши касалликларининг тарқалганлигини ўрганиш натижасида йиллар кесимида касалланиш даражасининг нотекис тақсимланиши аниқланди. 2011-2015 йилларда кўпинча катта ёшдагилар касалланган ва 100000 аҳолига нисбатан касалланиш даражасининг 88,7 дан 111,3 ҳолатгача оғишмай ўсиши кузатилди, агар ўсмирлардаги касалланиш ҳолати динамикаси таққосланадиган бўлса, 2011-2015 йилларда мазкур кўрсаткичнинг бир хил бўлмаган, лекин етарли даражада турғун ошиши қайд этилди, яъни 2015 йилда 100000 аҳолига нисбатан касалланиш даражаси 25,8 дан 68,7 ҳолатгача сезиларли ошди. Болаларда касалланишнинг энг юқори чўққиси 2011 ва 2013 йилларда (мос равишда 25,0 ва 28,6 ҳолат) кузатилди, қолган йилларда эса касалланиш даражаси 100000 аҳолига нисбатан ўрта 15 ҳолатдан ошмади. Касалланиш кўрсаткичларининг бундай ҳар хиллиги республика минтақалари бўйича унинг тарқалганлиги даражасини янада чуқурроқ ўрганишни талаб этади. Ташхислаш усуллариининг яхшиланиши, кейинги вақтда сурункали панкреатит ривожланишининг анча эрта даврларида мазкур касалликни аниқлаш имконини берувчи юқори аниқлик хусусиятларига эга бўлган меъда ости беши янги визуаллаш усуллариининг пайдо бўлиши ҳисобига ҳам касалланиш кўрсаткичлари доимо ўсиб бормоқда. Бироқ, минтақада эпидемиологик аҳволнинг ўзига хос хусусиятларини назарда тутган ҳолда панкреатитлар келиб чиқиши аҳамиятининг ўсиб бориш хавфи сақланиб қолмоқда. Шунинг учун, биз томондан СПнинг энг аҳамиятли хавф омилларини аниқлаш ва клиник кечиши ўрганиш бўйича тадқиқот уюштирилган.

СП анамнези маълумотларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, унда СПли беморларда оғриқ синдроми асосан эпигастрий ва қориннинг чап юқори квадрантида жойлашган бўлиб, айрим диспептик симптомлар билан кечувчи эпигастрий соҳасидаги оғриқ симптомлари устунлик қилди. Оғриқ синдроми ва диспепсик бузилишлар идиопатик СП (ИСП)га нисбатан алкоғолли СП (АСП) ва билиар СП (БСП)ли беморлар гуруҳларида кучлироқ ривожланди, бунда яққол клиник симптоматика АСПда кузатилди. Касаллик давомийлиги анамнезда қоринда оғриқ пайдо бўлган вақтдан баҳоланди. 70% БСП ва 57% АСП билан оғриган беморларда касалликни кечиши рецидивланувчи оғриқ синдроми билан тавсифланди. Шу билан бирга, ИСП билан оғриган беморларда бундай шикоятлар атиги 43% беморда қайд этилди, 50% беморда эса касаллик монотон, қисқа муддатли, ўзгарувчан ва унча яққол бўлмаган симптомлар билан кечди. Текширувлар натижасида шу нарса аниқландики, БСП билан оғриган беморларга нисбатан $13,47 \pm 1,4$ йил, АСПда касалликнинг энг қисқа анамнези - $6,31 \pm 0,81$ йил қайд этилди, нисбатан эрта ёшда касаллик манифестацияси $37,2 \pm 1,80$ ёш, касалликнинг йилига $3,5 \pm 0,24$ марта тез-тез ўткирлашуви ва кўп вазн йўқотиш ($10,0 \pm 1,62$ кг) кузатилди, БСПда касаллик манифестацияси мос равишда $43,20 \pm 1,80$ йилга тенг.

Текширилганларнинг 127 (51,8%) тасида касалликнинг – II босқичи, 82 (33,5%) - III босқич ва 36 (14,7%) - IV босқич аниқланди. Касалликнинг III ва IV босқичлари 82% ҳолатда АСП билан оғриган беморларда, 60% - БСП ва 30% - касалликнинг идиопатик шаклида қайд этилди.



1-расм. СПли беморларда қайд этилган клиник синдромлар кўрсаткичлари (%).


Клиник симптомлар орасида диарея, метеоризм ва кўнгил айнаши кабилар кўпчиликни ташкил қилди. Клиник симптомларни қиёсий баҳолашда АСП билан оғриган беморларда 185 (80%) ҳолатда метеоризм устунлик қилди. Диарея асосан БСП беморларни безовта қилди - 156 (64%). Тана вазнининг йўқолиши ҳар иккала гуруҳ беморларида ҳам қайд этилди - 196 (80%).

Лаборатория текширувларидан олинган маълумотлар бўйича лейкоцитоз 37 (15,1%) беморда, ЭЧТнинг ошиши 54 (22,0%) беморда аниқланди. БСП билан оғриган беморларга нисбатан АСП билан оғриган беморларда юқори лейкоцитоз, қондаги АЛТ, АСТ, ГГТ, ИФ ва липаза ҳамда сийдикда амилаза миқдори юқори бўлиб, бу яллиғланиш жараёнининг юқори фаоллиги ва холестатик синдромнинг кучлилигидан далолат беради.

Қондаги липаза 82,2%, сийдикдаги амилаза – 42,1%, ГГТ – 57,7% ва ИФ – 27,8% ҳолатларда юқори бўлди. БСП билан оғриган беморларда амилаза ва қон зардобидида умумий билирубин миқдорининг юқорилиги аниқланди. БСП ли беморларда қондаги липаза ва ишқорий фосфатаза миқдори ИСПли беморларга нисбатан ишончли юқори бўлди. АСП билан оғриган беморлар қон зардобидида БСПли беморларга нисбатан альбумин кўрсаткичлари ишонарли паст бўлди.

АСПли беморларда нажасдаги эластаза-1 миқдорининг ўртача кўрсаткичлари - $75,6 \pm 46,37$ мкгЭ/г, БСП - $130 \pm 25,3$ мкгЭ/г, ИСП - $166,2 \pm 18,6$ мкгЭ/г ни ташкил қилди. Шунини қайд этиш лозимки, панкреакариномада эластаза миқдори $50,5 \pm 18,25$ мкгЭ/г гача камайди. Фикримизча, МОБнинг

ташқи секретор фаолияти етишмовчилигининг бундай паст даражаси СПнинг клиник кечишини нохуш башорат белгиси ҳисобланади. Нажасда эластаза-1 миқдорининг 200 мкгЭ/г дан камайиши ташқи секретор етишмовчилик мезони ҳисобланади.



Расм 2. Сурункали панкреатитли беморлар нажасидаги эластаза кўрсаткичлари (мкгЭ/г)

Ташқи секретор фаолият етишмовчилигининг оғирлик даражаси нажасдаги эластаза миқдори билан аниқланади: оғир даражали эластаза концентрациясининг етишмовчилиги 100 мкгЭ/г паст, ўрта оғирлик даражаси - 100-200 мкгЭ/г, меъерий функцияси -200 мкгЭ/г дан юқори кўрсаткич бўлиши керак.

Меъда ости безининг ташқи секретор фаолиятини пасайишисиз кечадиган АСП симптоматикаси ИСПдаги мазкур ҳолат билан ўхшаш, бироқ у оғриқ синдромининг кучлироқ ривожланганлиги билан фарқ қилади. Тахмин қилиш мумкинки, АСП ва ИСП моҳияти жиҳатдан безининг ташқи секретор функциясини сақланганлиги ёки пасайиши билан битта касалликнинг турли босқичлари ҳисобланади. Шу билан бир вақтда, БСП билиар дисфункциялар билан тавсифланиб, бу унинг иккиламчи характерга эга эканлигини тасдиқлайди.

Ўзбекистонда сурункали панкреатитни ўткирлашув даврида эрта ташҳислаш долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Касалликнинг ривожланувчи характери ҳам поликлиника, ҳам стационар шароитида панкреатитни муваффақиятли эрта ташҳислаш учун врач томонидан скрининг тестлар ўтказиш заруратини асослайди ва бу касалликнинг оғир клиник шаклларида 45-70%га етиши мумкин бўлган ўлим даражасини пасайишини таъминлайди.

Клиник амалиётда фақатгина қондаги амилаза ва липаза фаоллигини аниқланишини ҳисобга олиб, сурункали панкреатитда биз юқори ўзига хослик ва сезгирликка эга сийдикдаги трипсиноген-2ни аниқлаш бўйича

альтернатив-скрининг тестини таклиф этдик. Трипсиноген меъда ости безининг ацинар хужайраларида синтезланади ва трипсиннинг проферменти хисобланади. Меъда ости безидаги яллиғланиш жараёнларининг илк босқичида трипсиноген-2 кўп миқдорда сийдикка ажаралади ва унинг миқдори 10-14 сутка давомида юқорилигича қолади.

СПни эрта ташхислаш қатор қийинчиликлар билан бирга кечади. Биз СП билан оғриган беморларда Actim Pancreatitis тести ёрдамида сийдикдаги трипсиноген фаоллигини аниқловчи таҳлил ўтказдик. Клиник, лаборатор ва инструментал жиҳатдан ўткирлашув давридаги сурункали панкреатит ташхиси тасдиқланган 42 бемордан 41 (97,6%) тасида тест натижалари ижобий бўлди. Шундай қилиб, усулнинг сезгирлиги 97,6%ни ташкил қилди.

Ультра товуш текшируви (УТТ)да АСП ва БСП билан оғриган 65%, шунингдек ИСП билан 35% беморларда меъда ости беши ўлчамларининг катталашуви аниқланди. АСП билан 62% ва БСП билан 38% беморда без паренхимаси эхогенлигининг юқорилиги қайд этилди, мос равишда 60%, 25% ва 15% беморларда гиперэхоген киритмалар аниқланди.

УТТ маълумотларига нисбатан Фрайбург клиникасида ўтказилган эндосонография натижалари кўпроқ ахборийликка эга. Эндосонография маълумотлари бўйича СП билан текширилган беморларда меъда ости беши паренхимасида ўчоқли ёки чизикли фиброз ўзгаришлар аниқланди. АСПда шунга ўхшаш ўзгаришлар 67% ҳолатда кузатилди, 33% беморларда без ўлчамларининг катталашуви ва эхогенлигини камайиши, 2 ҳолатда – вируснинг найи деворининг зичлашуви ва унинг бир хилда эмаслиги аниқланди. МОБнинг оддий УТТ ва эндосонографияси натижаларини мос келмаслиги 43% беморларда қайд этилди.

Юқорида қайд этилган шубҳали ҳолатларда беморларга КТ ўтказилди ва унинг натижалари бўйича Германиянинг Фрайбург клиникасида текширувдан ўтган 15 (12,5%) беморда ўсма тасдиқланди.

Диссертациянинг **«Сурункали панкреатитли беморларда цитокин профили ва иммун ўзгаришлар ҳолати»** деб номланган, тўртинчи бобида Ўзбекистон ва Германиядаги СП билан оғриган беморлар цитокин профилини текшириш натижалари келтирилган.

Ўзбекистондаги касалликнинг рецидивланувчи кечими билан АСПли беморларда зардоб цитокинлари миқдорининг максимал ошиши қайд этилди. Касалликнинг эрта босқичлари ва ўткирлашув чўққисида асосий яллиғланишолди цитокинлари-IL-1 β , IL-6, IL-8, IFN- γ ва TGF- β 1 концентрациясининг ошиши устунлик қилди. Аниқланишича, АСПда IL-1 β миқдори меъёр кўрсаткичларига нисбатан мос равишда даволашгача - 26,8 марта, даволашдан сўнг - 2,6 марта, БСПда даволашгача - 14,5 марта, даволашдан сўнг - 4 марта ошган. АСПни даволашгача ва даволашдан кейин IL-1 β кўрсаткичлари орасида фарқ аниқланмади, БСПни даволашдан кейин эса мазкур цитокин қийматлари худди шу шаклдаги даволашгача ва САПни даволашгача ҳамда даволашдан сўнг олинган кўрсаткичларга нисбатан сезиларли пастлиги қайд этилди. Демак, АСПда IL-1 β хаттоки даволаш фонидида ҳам пасаймади ва бу кучли яллиғланиш жараёнидан далолат беради,

БСПда эса мазкур кўрсаткич меъёр қийматларидан анча юқорилигича қолсада, сезиларли пасайди. Бунда IL-1 β даражаси АСПни даволашдан кейин олинган натижаларга нисбатан БСПни даволашгача бўлган кўрсаткичларидан сезиларли паст бўлди ($P < 0,001$).

IL-4 цитокини таҳлилида қуйидагилар аниқланди: соғлом кишилар кўрсаткичларига нисбатан мос равишда мазкур кўрсаткич даволашгача - 3,4 марта, даволашдан сўнг - 4,3 марта, БСПда эса даволашгача - 5,1 марта, даволашдан сўнг - 2,9 марта ошди. IL-4 миқдори АСПни даволашгача бўлган кўрсаткичга нисбатан БСПни даволашгача бўлган кўрсаткичидан сезиларли юқори ($P < 0,05$). IL-4 кўрсаткичларида АСПни даволашгача ва даволашдан кейинги сезиларли фарқ аниқланди. Бунда ҳеч бир ҳолатда IL-4 кўрсаткичи назорат даражасигача пасаймади.

Биз IL-6 кўрсаткичларида ҳам ўзгаришлар мавжудлигини кузатдик, мазкур кўрсаткич қиймати мос равишда АСПда 7,1 ва 2,5 марта, БСП да эса 3,01 ва 1,2 марта кўтарилди. Ҳам АСП, ҳам БСПда даволашгача ва даволашдан сўнг IL-6 миқдорида сезиларли фарқ мавжуд. АСПни даволаш сўнгида ва БСП бошида IL-6 кўрсаткичлари орасида сезиларли фарқ мавжуд эмас. БСПни даволаш охирида IL-6 даражаси назорат кўрсаткичларидан сезиларли фарқ қилмади.

АСП ва БСП билан оғриган беморларда касалликнинг бошланиши ва охирида IL-8 миқдорини ўрганиш шуни кўрсатдики, унинг миқдори назоратга нисбатан АСПда 11 ва 3 марта, БСПда 7,4 ва 1,7 марта кўтарилди. СПнинг ҳар иккала шаклида ҳам даволашгача ва даволашдан кейин IL-8 миқдорида сезиларли фарқ кузатилди. Шу билан бир вақтда АСП ва БСПни даволашгача IL-8 миқдори бир-биридан аҳамиятли фарқ қилмади. Мазкур факт IL-1 β , IL-4 ва IL-6 таҳлилида кузатилмади. СПнинг ҳар иккала шаклида ҳам ИЛ-8 миқдори даволашгача ва даволашдан кейин назорат кўрсаткичларидан сезиларли фарқланди.

АСПда TNF- α назорат гуруҳига нисбатан даволашгача ва даволашдан сўнг мос равишда 4,1 ва 3,9 марта кўтарилди, БСПда эса даволашгача 2,1 марта ошди ва даволашдан сўнг 2,2 марта камайди. Шундай қилиб, TNF- α АСПни даволашгача ва даволашданг сўнг бир-биридан катта фарқ қилмади. Шуни қайд этиш лозимки, TNF- α миқдори БСПни даволашдан сўнг даволашгача бўлган кўрсаткичга нисбатан анча паст, шу билан бир вақтда даволашдан сўнг ҳам TNF- α миқдори анча пастлигича қолади. Бу ҳолат юқорида ўрганилган цитокинлар кўрсаткичларида кузатилмаган эди: уларнинг қиймати назоратга нисбатан ёки сезиларли юқори (IL-1 β , IL-4, IL-8), ёки назорат қийматига тенг бўлди (IL-6).

IFN- γ даражаси ҳам АСПда мос равишда 20,8 ва 6,8 раза, ХБПда эса - 22,1 ва 2,3 марта юқори. АСП ва БСПда даволаш охирида IFN- γ концентрацияси ишонарли пасайди. Масалан, IL-8 ўрганилганда IFN- γ миқдори АСПни даволашдан олдин БСПни даволашгача бўлган кўрсаткичларидан фарқ қилмади. СПнинг ҳар иккала шаклида ҳам даволашгача ва даволашдан кейин IFN- γ нинг барча кўрсаткичлари соғлом шахслар кўрсаткичларидан юқори бўлди. Шундай қилиб, ҳар бир ўрганилган цитокин миқдори касалликнинг

шакли ва унинг ривожланиши даврига мос равишда маълум бир қонуният асосида ўзгариб туради.

Айниқса, АСПда БСПга нисбатан соғлом кишилардаги мазкур кўрсаткичдан фарқли ўлароқ периферик қонда цитокинлар миқдорининг бир неча қарра ошиши қайд этилди.

СПнинг рецидив даврида цитокинлардаги ўзгаришларнинг турли динамикаси кузатилди. Даволашдан олдин ИЛ-1β миқдори бир-биридан сезиларли фарқ қилмайди. Фақатгина даволаш охирига келиб, ИЛ-1β концентрациясининг пасайиши кузатилди. Бутун даволаш даврида мазкур цитокин миқдори назорат қийматларидан сезиларли юқори бўлди.

Даволашдан сўнг ИЛ-8 миқдори сезиларли пасайди, ИЛ-1β миқдори эса фақатгина даволаш охирига келиб аҳамиятли пасайди. ИЛ-8 концентрацияси ҳатто даволашдан кейин ҳам бошланғич қийматлардан сезиларли фарқ қилмади. Даволаш охирига келиб, ИЛ-8 миқдори даволашнинг бошидаги кўрсаткичга нисбатан пасайганлиги кузатилди ($P < 0,001$).

ИЛ-6 ўзгаришлари динамикаси цитокинларнинг бошқа қийматларидан катта фарқ қилди. Юқорида қайд этилган цитокинларга нисбатан ИЛ-6 миқдори даволашдан сўнггина пасайиш тенденциясига эга бўлди ($P > 0,05$).

Даволашгача TNF-α миқдори назоратга нисбатан 3,4 марта юқори кўрсаткичларга эга бўлди. Даволашдан сўнг TNF-α миқдори назорат гуруҳига нисбатан 2,2 марта юқорилигича сақланиб қолди. Шундай қилиб, TNF-α цитокини даражаси фақат тикланиш тенденциясига эга.

IFN-γ концентрацияси даволашдан сўнг сезиларли камайди ва узок вақт шу доирада сақланиб қолди.

ИЛ-4 миқдори бошқа цитокинлардан фарқли ўлароқ СПнинг ривожланиши жараёнида ўзига хос хусусиятларга эга бўлди. 1- ва 4-фазада ИЛ-4 даражаси бир-биридан сезиларли фарқ қилмайди.

Даволашгача максимал концентрация ИЛ-1β ва ИЛ-8 да аниқланди, даволаш охирига келиб эса ИЛ-6, TNF-α, IFN-γ ва ИЛ-4да цитокинларнинг максимал даражаси сақланиб қолди.

Фиброз шаклланишини кучайтирувчи TGF-β1 миқдори АСП билан оғриган беморларда - $627,8 \pm 92,2$ пг/мл, асоратли кечувчи АСПли беморларда - $796,8 \pm 101,5$ назорат гуруҳида - $40,2 \pm 4,6$ пг/мл га тенг бўлди ($P < 0,001$).

БСПда патологик жараён динамикасида зардоб цитокинлари концентрациясидаги ўзгаришлар АСП билан бир йўналишда кечди, бироқ камроқ ривожланди. Масалан, БСП ўткирлашувининг илк босқичларида ИЛ-1β - $527,2 \pm 62,7$ пг/мл, ИЛ-6 - $80,9 \pm 11,4$ пг/мл, ИЛ-8 - $290,4 \pm 46,8$ пг/мл, IFN-γ - $853,3 \pm 91,6$ пг/мл, TNF-α - $79,7 \pm 8,3$ пг/мл, TGF-β1 - $534 \pm 78,4$ пг/мл ни ташкил этди. Ўткир жараёнларнинг пасайиши ва регенератор-тикланиш жараёнларининг кучайиши билан ИЛ-4 ($226,7 \pm 32,4$ пг/мл) миқдори кўтарилди. Даволаш натижасида БСП билан оғриган беморларнинг аксариятида клиник фаоллик кўрсаткичларида кучли ижобий динамика, цитокин статусининг меъёрлашувига эришилди.

Асоратсиз ва асоратли кечувчи АСП билан оғриган беморлар орасида цитокинлар миқдори бўйича сезиларли фарқлар аниқланди (1-жадвал).

Текширувларимизнинг кўрсатишича, назорат гуруҳига нисбатан асоратли АСПда ИЛ-1 β миқдори 31,2 марта, асоратсиз шаклида эса - 17 марта, ИЛ-4 асоратли кечишида - 6,3 марта, асоратсиз кечишида эса 3,7 марта, мос равишда ИЛ-6 эса - 7,1 ва 3,2 марта, ИЛ-8 - 13 ва 7,7 марта, TNF- α кўрсаткичи - 6,1 ва 3,1 марта ва IFN- γ - 24,3 ва 15,1 марта ошди. Олинган маълумотлардан яна шу нарса аён бўлдики, СПнинг асоратли кечишида цитокинлар миқдори асоратсиз кечишига нисбатан 1,6-2,1 марта кўтарилди.

Фибрознинг шаклланишини кучайтирувчи TGF- β 1 миқдори АСП билан оғриган беморларда - 627,8 \pm 92,2 пг/мл, АСПнинг асоратли кечиши билан беморларда - 812,3 \pm 98,5, назорат гуруҳида - 40,2 \pm 4,6 пг/мл га тенг бўлди (P<0,05). Олинган маълумотлар шундан далолат берадики, асоратлар бўлмаган ҳолатга нисбатан СПнинг асоратли кечишида цитокинлар миқдори бир неча баробар ошади.

1-жадвал

Асоратсиз ва асоратли (МОБ кисталари) кечувчи АСП билан оғриган беморларда касаллик ўткирлашуви давридаги цитокинлар миқдори (пг/мл)

Цитокинлар	Асоратли СП (МОБ кисталари), n=27	Асоратсиз СП, n=45	Назорат, n=20
IL-1 β	1201,3 \pm 102,3***	631,2 \pm 90,8***^^	37,1 \pm 5,3
IL-4	235,1 \pm 30,7***	131,0 \pm 14,5***^^	40,3 \pm 5,7
IL-6	181,1 \pm 25,1***	85,1 \pm 13,4***^^	28,0 \pm 1,1
IL-8	523,5 \pm 71,1***	313,1 \pm 43,2***^	41,1 \pm 4,6
TNF- α	229,3 \pm 33,7***	125,8 \pm 19,4***^^	43,5 \pm 6,1
IFN- γ	908,7 \pm 110,7***	552,0 \pm 77,2***^^	38,9 \pm 5,5

Изох: * - фарқлар назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (*** - <0,001), ^ - фарқлар асоратли СП гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (^ - <0,05, ^^ - P<0,01, ^^ - P<0,001)

Панкреатитнинг ўткир кечишидаги сингари СПда ҳам касалликнинг оғирлик даражаси ва яллиғланишолди цитокинлари даражаси ва уларнинг рецидивларни ривожланишидаги иштироки орасида корреляция аниқланди. Ацинар хужайраларнинг рецидивланувчи жароҳати фаоллашган Т-лимфоцитлар, макрофаглар томонидан инфильтрацияни кучайтирувчи хусусан TGF- β 1нинг синтезланиши билан боғлиқ.

Германия Фрайбург ш. Университети клиникасининг гастроэнтерология бўлимида стационар даволанган СП билан оғриган ҳамда панкреаканциномали беморлардаги цитокин профили кўрсаткичлари таҳлил қилинганда, назорат гуруҳига нисбатан мос равишда TNF- α , INF- γ кўрсаткичларининг 26 (65%) ва 33 (82%) беморда ишончли ошганлиги қайд

этилди ($P < 0,001$). 17 (42%) беморда IL-2R ва IL-6 концентрацияси кескин ошди ($P < 0,001$), 23 (58%) ҳолатда эса мазкур кўрсаткичнинг ўртача ошганлиги қайд этилди (2-жадвал).

Биокимёвий кўрсаткичлар билан таққосланганда сезиларли тўғри корреляцион алоқа ўрнатилганлиги аниқланди ($r=0,7$): бир томондан TNF- α ва INF- γ миқдори ва иккинчи томондан МОБ цитолитик ферментлари концентрацияси ($P < 0,01$), TNF- α миқдори ва липаза даражаси, ($P < 0,01$), INF- γ концентрацияси ва гамма-ГТ ҳамда ишқорий фосфатаза миқдори ($P < 0,01$).

КТ текширувлари натижаларини ҳисобга олиб, TNF- α ва INF- γ миқдорининг МОБ тўқимасидаги яллиғланишнинг ривожланганлиги орасида статистик аҳамиятли тўғри корреляцион алоқа, шунингдек қон зардобидаги IL-2R, IL-6 цитокинлари даражаси ва МОБнинг ўсмали жароҳати босқичи ўртасида ишончли боғлиқлик аниқланди.

СП билан оғриган беморлар қонидаги TNF- α ва INF- γ нинг юқори кўрсаткичлари цитокинлар миқдорининг яллиғланиш олди цитокинлари томонига силжишини кўрсатади. Патологияда панкреатоцитларнинг ўлиши-некроз ва апоптоз йўлларида амалга оширилади. Бизнинг текширувля-римизда аниқланган TNF- α , INF- γ , IL-2, IL-6 ва цитолитик ферментлар миқдори ўртасидаги боғлиқлик МОБнинг жароҳатланишида ҳар иккала механизмнинг таъсири борлигини кўрсатади. TNF- α INF- γ нинг иштирокида панкреатоцитларга тўғридан-тўғри цитотоксик таъсир кўрсатиш хусусиятига эга.

2-жадвал

СП ва панкреаканцинома (ПК) билан оғриган беморлар қон зардобидаги цитокинлар миқдори (пг/мл)

Текширилганлар гуруҳи	TNF- α	INF- γ	IL-2R	IL-6
СПли беморлар СП (n=40)	159 \pm 19,6***	823 \pm 97,5***	1623 \pm 55,4***	139 \pm 22,3***
ПКли беморлар (n=15)	291 \pm 21,4***^^^	952 \pm 85,3***	2213 \pm 36,5***^^^	246 \pm 6,6***^^^
Назорат (n=25)	43,5 \pm 6,1	38,9 \pm 5,5	390 \pm 15,5	28,5 \pm 1,1

Изоҳ: * - фарқлар назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (***) - $P < 0,001$), ^ - фарқлар СП гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (^^^ - $P < 0,001$)

Шундай қилиб, биз СП билан оғриган беморларда цитокинлар тизими фаоллашади деб ҳисоблаймиз. Унинг дисфункцияси IL-2, IL-6, TNF- α , INF- γ яллиғланишолди цитокинларини ишлаб чиқарилишини ошиши билан бирга кечади ва уларнинг қон зардобидаги миқдори мазкур беморларда қайд этиладиган асосий клиник-лаборатория кўрсаткичлари билан ишончли

алоқага эга бўлади. Олинган натижалар цитокин тизими СП патогенезига жалб этилганлигидан далолат беради.

Сурункали панкреатит билан оғриган беморларда касалликнинг ўткирлашуви давридаги хужайравий иммунитет кўрсаткичлари тахлили шуни курсатдики, лимфоцитларнинг умумий сони юқори бўлди ($P < 0,01$), Т-лимфоцитлар-CD3 ($P < 0,001$), Т-хелперлар CD4 ($P < 0,001$), апоптоз маркери CD95 ($P < 0,01$), табиий килерлар маркери CD16нинг пасайиши қайд этилди ($P < 0,05$). Цитотоксик хужайралар CD8 ($P < 0,001$), В-лимфоцитлар CD22 ($P < 0,01$) ва HLA-DR антигенни тақдим этувчи хужайралар сонининг ошиши кузатилди ($P < 0,05$).

Шундай қилиб, сурункали панкреатит билан оғриган беморларда Т-хужайравий иммунитетнинг заифлашуви билан ифодаланувчи иммунитетнинг Т- ва В-лимфоцитлар бўғинида кучли номутаносиблик, антигенларни танишдаги бузилишлар аниқланди. Табиий киллерлар (CD16) популяциясининг заифлашуви билан HLA-DR – хужайралари сонининг юқори даражасини қўшилиши СП билан оғриган беморларда аутоиммун агрессиянинг ривожланишига олиб келувчи нохуш ҳолат ҳисобланади. Қайд этилган CD95 субпопуляциясининг пасайиши апоптоз жараёнига тайёр-гарликнинг пасайишидан далолат бериши мумкин.

СП билан оғриган беморларда яллиғланиш жараёнининг ўткирлашуви даврида гуморал иммунитет кўрсаткичлари текширилганда ЦИК концентрациясининг $82,4 \pm 0,5$ гача (назорат гуруҳида $14,5 \pm 0,8$ ш.б., $P < 0,05$), IgG - $16,51 \pm 0,50$ г/л гача (мос равишда $9,39 \pm 0,65$ г/л, $P < 0,001$), IgA - $3,42 \pm 0,14$ г/л гача ($2,2 \pm 0,18$ г/л, $P < 0,001$), IgM - $1,8 \pm 0,22$ г/л гача ($1,13 \pm 0,05$ г/л, $P < 0,001$) ошганлиги қайд этилди. Иммуноглобулинлар концентрациясининг ошиши эҳтимол, антиген стимуляциясига олиб келувчи МОБ тўқимасининг сурункали яллиғланиши, иммунитетнинг В-хужайравий бўғинини таъсирланиши ва антитаналарни ҳосил бўлишини ошиши билан боғлиқ бўлиб, у персистирланувчи патологик жараёнга нисбатан табиий жавоб ҳисобланади ва антигенга қарши мос реакцияни сақланганлигидан далолат беради. Бизнинг нуқтаи-назаримиз бўйича ЦИК концентрациясининг ошиши Т-бўғиннинг функционал етишмовчилиги, Т-хелперлар танқислиги ва узок муддатли антиген стимуляцияси ҳамда касалликнинг аутоиммун компонентига нисбатан гуморал иммун жавоб билан боғлиқ. Иммунитетнинг турли бўғинларида аниқланган бузилишлар СП билан оғриган беморларда иммун жавобнинг етишмовчилигига олиб келувчи иммун номутаносибликни ривожланишидан далолат беради. Иммуноглобулинлар концентрациясининг ошиши меъда ости беzi тўқимасининг сурункали яллиғланишини белгилайди.

Иммун тизимида аниқланган ўзгаришлар СПда адекват жавоб имкониятларининг камайиши билан иккиламчи иммун етишмовчиликни ривожланишидан далолат беради ва бу апоптоз реакциясининг бузилишига олиб келиб, эҳтимол, экзокрин етишмовчиликнинг ошиши ва патологик жараённинг сурункали кечишини таъминлайди.

СПнинг этиологик омилларига мос равишда касалликнинг ўткирлашув

давридаги иммунологик профиль ўрганилди. АСП ва БСП билан оғриган беморларда беморларнинг иммун ҳолатини таҳлил қилиш ҳар иккала гуруҳда ҳам назорат гуруҳига нисбатан комплементар фаолликни ишончли камайишини кўрсатди ($P < 0,001$) ва бу ҳолат АСПда кучлироқ ривожланганлиги қайд этилди ($P < 0,05$). АСП билан оғриган беморларда хужайравий иммунитет ҳолати CD3 миқдорининг ишончли пасайиши ($P < 0,001$), БСПда ($P < 0,01$) ва янада кучлироқ ривожланган АСПда ($P < 0,05$), Т-хелперлар (CD4) миқдори назорат гуруҳига нисбатан АСПда ($P < 0,001$) ва БСПда ($P < 0,01$), CD16 миқдори назорат гуруҳига нисбатан АСПда ($P < 0,01$) ва БСПда ($P < 0,05$), СПли беморларнинг иккала гуруҳида ҳам CD95 миқдори назорат гуруҳига нисбатан ($P < 0,001$) ишончли фарқланиши билан тавсифланди ($P < 0,05$). АСП ва БСПда Т-цитотоксик хужайралар (CD8) сонининг назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан ошиши ($P < 0,001$), CD22нинг назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан - АХПда ($P < 0,01$) ва БХПда ($P < 0,001$), HLA-DR миқдорининг назорат гуруҳига кўрсаткичларига нисбатан АСП ва БСПда ($P < 0,05$) кўтарилиги аниқланди. Текширув натижалари СПнинг алкоғолли вариантыда иммунитетнинг хужайравий бўғини дисфункцияси кучлироқ ривожланганлигидан далолат беради.

